АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТ ВА УЛАРНИ ТАШУВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Уралов Сарваржон Анваржон ўғли
Ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш маркази
бош илмий ходими, капитан
https://doi.org/10.5281/zenodo.17661035

Ҳозирги замон жамиятида ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жиноятчиликнинг янги шаклларини вужудга келтирди. Киберфирибгарлик, онлайн-экстремизм, хакерлик ҳужумлари ва рақамли шантаж каби жиноятлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида мураккаб вазифаларни қўймоқда – виртуал макондаги жиноятларни аниқлаш, далилларни тўплаш ва жиноятчиларни жавобгарликка тортиш.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда содир этилаётган жиноятларнинг деярли ярми у ёки бу даражада электрон қурилмалар ва интернет тармоғи билан боғлиқ. Смартфон, планшет, компьютер – булар энди шунчаки алоқа воситаси эмас, балки жиноятни режалаштириш, амалга ошириш ва унинг изларини йўқотиш учун қўлланиладиган асбобларга айланган. Шу сабабли электрон далиллар замонавий тергов ишининг марказида туради.

Бироқ рақамли технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши қонунчиликнинг ортда қолишига олиб келмоқда. Терговчилар ва суриштирувчилар анъанавий усуллар билан виртуал жиноятларга қарши курашишга уриниб, кўпинча самарасиз натижаларга эришмоқда. Бунинг асосий сабаби – электрон далилларнинг моддий далиллардан тубдан фарқ қилувчи табиатини тушунмасликдир.

Электрон маълумотлар анъанавий ашъёвий далиллардан бир қатор муҳим жиҳатлари билан фарқланади. Биринчи навбатда, уларнинг ўта мўртлиги ва тезкорлик билан йўқолиш хавфи алоҳида эътиборга сазовордир. Пичоқ ёки қурол каби моддий далилни сақлаб қолиш нисбатан осон – уни махсус контейнерга жойлаштириб, муҳрлаш етарли. Аммо электрон далилларда вазият бутунлай бошқача.

Масалан, компьютернинг оператив хотирасида (RAM) сақланган маълумотлар қурилма ўчирилиши билан бир зумда йўқолиб кетади. Видеокузатув тизимлари одатда 24-72 соат ичида эски ёзувлар устидан янгиларини ёзади. Булутли хизматларда (Google Drive, iCloud) сақланган файлларни эгаси дунёнинг исталган нуқтасидан масофадан туриб ўчириб юбориши мумкин. Шу сабабли терговга қадар текширув босқичида ҳар бир дақиқа қимматбаҳодир.

Иккинчи муҳим жиҳат – электрон маълумотларнинг осонлик билан ўзгартирилиш хусусиятидир. Файлнинг яратилган санасини, муаллифини, ўзгартирилган вақтини махсус дастурлар ёрдамида сохта қилиш мумкин. Фотосуратларни таҳрирлаш, видеоларга монтаж қилиш, аудиоёзувларни кесиб-ташлаш технологиялари ҳозирги замонда кенг тарқалган. Шунинг учун электрон далилнинг аутентиклиги (ҳақиқийлиги) ва бутунлигини тасдиқлаш муҳим масалага айланмоқда.

Учинчи ўзига хослик – электрон маълумотларнинг кўп қатламли табиатидир. Бир файл ортида унинг метамаълумотлари (кимда яратилган, қачон, қайси қурилмада, қайси жойда), тизим логлари, вақтинчалик нусхалар, ўчирилган файлларнинг излари

яширинади. Оддий фойдаланувчи учун кўринмайдиган бу "рақамли излар" мутахассис учун олтиндан қимматроқдир.

Ўзбекистон судлари амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, электрон далилларни тўплаш ва расмийлаштиришда бир қатор такрорланувчи хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу хатоликлар тасодифий эмас, балки тизимли хусусиятга эга бўлиб, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва амалиётчиларнинг тайёргарсизлигидан келиб чиқади.

Энг кенг тарқалган хатоликлардан бири – электрон қурилмаларни оддий ашё сифатида муомала қилишдир. Терговчилар смартфонни худди пичоқ ёки гиёҳванд моддани олиб қўйгандек, уни оддий қоғоз конвертга солиб, муҳрлаб қўйишади. Бироқ бундай ёндашув қатор хавфларни туғдиради.

Биринчидан, агар телефон ёниқ ҳолатда ва интернетга уланган бўлса, жиноятчи ёки унинг шериклари масофадан туриб барча маълумотларни ўчириб юбориши мумкин. Иккинчидан, оддий паккага солинган қурилма статик электр таъсирида шикастланиши мумкин. Учинчидан, магнит майдонлари яқинида сақланган қурилмалардаги маълумотлар бузилиши эҳтимоли бор.

Халқаро амалиётда бу муаммоларнинг олдини олиш учун "Фарадей қоплари" деб аталувчи махсус пакетлар қўлланилади. Бу пакетлар қурилмани барча радиосигналлардан изоляция қилиб, масофадан туриб унга кириш имконини бутунлай йўқотади. Афсуски, Ўзбекистонда бундай воситалар жуда кам сонда мавжуд ва амалиётда деярли ишлатилмайди.

Иккинчи жиддий муаммо – мутахассис иштирокининг йўқлигидир. Ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, терговчиларнинг 65 фоизи электрон қурилмаларни олиб қўйишда ҳеч қачон мутахассис жалб қилмайди. Бу эса жуда хавфли ҳолат, чунки рақамли далиллар билан нотўғри ишлаш уларнинг бутунлай йўқолишига олиб келиши мумкин.

Масалан, смартфонни нотўғри ўчириш (одатда қувват тугмасини босиб) оператив хотирадаги барча вақтинчалик маълумотларни йўқотади. Бу маълумотлар – охирги очилган иловалар, фаол сеанслар, шифрлаш калитлари – жиноятни очишда ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин эди. Мутахассис эса махсус воситалар ёрдамида қурилмани "музлатилган" ҳолатда сақлаб, кейинроқ лабораторияда текшириш имкониятига эга.

Учинчи муаммо – далилларнинг узлуксиз занжирини (chain of custody) таъминламасликдир. Бу халқаро стандартга кўра, электрон далил ким томонидан, қачон, қаерда ва қандай мақсадда олингани, қайси шахсларга топширилгани, қаерда ва қандай шароитда сақлангани дақиқа аниқлиги билан ҳужжатлаштирилиши керак. Бу занжирда бирор бўғин йўқолса ёки номаълум бўлса, далилнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилади.

Анъанавий тергов назариясида "ҳодиса жойи" деганда жисмоний makon – хона, кўча, бино тушунилади. Бироқ киберфазонинг ривожланиши бу тушунчага янгича маъно бахш этди. Ҳозирги замонда жиноят виртуал макон олам да содир этилиши мумкин – ижтимоий тармоқларда, мессенжерларда, онлайн-ўйинларда, электрон почта серверларида.

Бундай "виртуал ҳодиса жойини" кўздан кечириш анъанавий усуллардан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, унга жисмоний борилмайди – терговчи компьютер орқали масофадан туриб кузатиш олиб боради. Иккинчидан, виртуал макон доимий ўзгариб

туради – постлар ўчирилади, саҳифалар янгиланади, фойдаланувчилар блокланади. Учинчидан, географик чегаралар йўқолади – терговчи Тошкентда ўтириб, Америка серверидаги веб-сайтни текшириши мумкин.

Амалиётдан олинган мисол бу муаммоларни яққол намойиш этади. Бир фуқаро ўзининг Telegram каналида экстремистик мазмундаги видеоларни тарқатган. Терговчи бу канални кўздан кечириб, 11 та видеони топган ва уларни компьютерига юклаб олган. Бироқ жараён нотўғри расмийлаштирилган – видеоларнинг хеш-суммаси олинмаган, юклаб олиш жараёни видеога олинмаган, метамаълумотлар сақланмаган.

Натижада суд жараёнида химоячи бу далилларнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирди: бу видеолар ҳақиқатан ҳам айблананувчининг каналида бўлганми? Терговчи уларни ўзи яратиб, айблананувчига қаратмаганми? Улар юклаб олинганидан кейин таҳрирланмаганми? Бу саволларга жавоб бериш учун техник асослар йўқ эди.

Шу сабабли виртуал маконни кўздан кечиришнинг махсус тартиби ишлаб чиқилиши зарур. Бу тартибда қуйидагилар мажбурий равишда назарда тутилиши керак: кўздан кечириш жараёнининг бошидан охиригача видеога олинишини; барча экран тасвирлари (скриншотлар) аниқ вақт белгиси билан сақланиши; олинаётган ҳар бир файлнинг хеш-суммаси дарҳол ҳисобланиши; ишлатилган IP-манзил, сервер жойлашуви ва бошқа техник параметрларнинг қайд этилиши.

Рақамли далилларнинг мураккаблиги кўпинча компьютер-техник экспертизасини зарур қилади. Бу экспертиза орқали ўчирилган файлларни тиклаш, шифрланган маълумотларни очиш, далилларнинг аутентиклигини тасдиқлаш, IP-манзиллар ва фойдаланувчи фаолиятини таҳлил қилиш мумкин.

Бироқ амалиётда экспертизанинг ўтказилишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Энг катта муаммо – эксперт билан экспертизага юборилган объект ўртасидаги "ахборот бўшлиғи"дир. Терговчи экспертизага "қора рангли Samsung телефон" деб юборади. Аммо бу етарлими? Телефоннинг аниқ модели, серия рақами, IMEI-коди, хотира ҳажми, операцион тизими версияси – булар текшириш учун муҳим параметрлардир.

Яна муҳимроғи, терговчи телефон паролли ёки шифрланган эканлигини кўрсатмаса, эксперт уни очишга кўп вақт сарфлайди ёки умуман оча олмайди. Бир ишда икки телефон юборилган, уларнинг бири паролли, иккинчиси Face ID билан блокланган бўлган. Натижада эксперт уларнинг фақат биттасини текширишга муваффақ бўлган, иккинчиси эса текширувсиз қолган.

Иккинчи муаммо – эксперт асл далилни "шикастлаб" қўйиши хавфидир. Жиноят-процессуал кодексда "экспертиза объекти зарурат даражасида шикастланиши мумкин" дейилган. Аммо электрон маълумотларга нисбатан "шикастланиш" нима демакдир?

Бир ишда эксперт ноутбукни ёқиб, Windows тизимига кириб, файлларни очиб кўрди. Натижада барча файлларнинг "охирги кириш вақти" ўзгарди, булутли хизматлар автоматик синхронизацияланди, IP-манзил маълумотлари эксперт заборат ориясининг манзилига алмашди. Суд бу ҳолатни "далилнинг дастлабки ҳолати қайтарилмас даражада ўзгартирилган" деб баҳолади ва экспертиза хулосасини рад этди.

Шунинг учун халқаро стандартларда эксперт ҳеч қачон асл қурилма устида ишламайди. Аввал унинг форензик нусхаси (битма-бит аниқ кўчирмаси) олинади, хеш-сумма ҳисобланади ва барча текшириш ишлари фақат нусха устида амалга оширилади.

Бу усул ҳам асл далилни сақлайди, ҳам текшириш натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

Рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши жиноятчиликка ҳам, уни олдини олишга ҳам янги имкониятлар очмоқда. Бугун содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилиги у ёки бу даражада электрон қурилмалар ва интернет билан боғлиқ. Шу сабабли рақамли далиллар замонавий тергов ишининг марказий элементига айланмоқда.

Бироқ Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бу янги реалликка тўлиқ тайёр эмас. Қонунчилик асосан XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган бўлиб, моддий далиллар учун мўлжалланган. Виртуал макон, булутли технологиялар, шифрлаш, блокчейн каби замонавий тушунчалар унда акс этмаган.

Амалиёт ходимлари эса мавжуд қонунларни рақамли далилларга "мослаштиришга" уринишмоқда. Натижада электрон қурилмалар оддий ашъёлардек муомала қилинмоқда, виртуал макон анъанавий "ҳодиса жойи" сифатида расмийлаштирилмоқда, экспертиза учун зарур техник шартлар таъминланмамоқда.

Келажакда бу муаммоларни ҳал қилиш учун икки йўналишда ишлаш зарур. Биринчидан, Жиноят-процессуал кодексига рақамли далиллар билан ишлашнинг махсус тартиб-қоидаларини белгиловчи янги нормалар киритиш керак. Иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш органлари ходимларини рақамли криминалистика соҳасида тизимли равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарур.

Фақат шундагина биз виртуал макон жиноятларига самарали қарши туришга, далилларнинг мақбуллигини таъминлашга ва ниҳоятда адолатли суд ҳукмларини чиқаришга эришамиз.